Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri 2014-yil 12-avgust, seshanba № 97 (3446)

Бизнинг муқаддас вазифамиз — Ватан шону шуҳрати, қудрати ва салоҳиятининг юксалиши учун ўзимизнинг фидойи меҳнатимиз билан муносиб ҳисса қўшишдир.

Ислом КАРИМОВ

Арзон ва сифатли

Мактаб ярмаркаси иш бошлади

Янги ўқув йили бошланишига ҳам саноқли кунлар қолди. Шу муносабат билан умумтаълим мактаблари ўқувчиларини асосий турдаги ўқув қуроллари, дарсликлар, мактаб формаси, кийим-кечак ва пойабзаллар билан таъминлаш ҳамда ота-оналар учун қулайлик яратиш мақсадида жорий йилнинг 10 августидан 10 сентябригача республикамизда 1885 та мактаб ярмаркаси ташкил этилади.

Яқинда Республика болалар кутубхонасида мактаб ўқув қуроллари, дарсликлар, адабиётлар, болалар кийим-кечаклари ҳамда пойабзаллар кўргазмаси ўтказилди. Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, «Ўзбекенгилсаноат» компанияси, «Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси ҳамкорлигида уюштирилган кўргазмада маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, мактаб ярмаркасини ташкил этишга масъул ташкилот ва идоралар мутахассислари, ОАВ ходимлари ва кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

— 979 та умумий ўрта таълим мактаби, 232 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежи, 398 та аҳоли гавжум бозор ва 276 та йирик савдо мажмуасида ярмаркалар фаолияти йўлга қўйилади. Олис ва бориш қийин бўлган тоғли ҳамда чўл ҳудудларига 130 та кўчма автодўкон хизмат кўрсатади, — деди Халқ таълими вазирлиги бош бошқармаси бошлиғи Файзулла Аҳмедов.

Республикадаги барча мактаб ярмаркаларида 26 турдаги зарурий ўқув қуроллари ва жиҳозлари, жумладан, ўқувчи дафтари, расм дафтари, ручка, портфелдан тортиб, ўғил ва қиз болалар учун пойабзаллар, болалар спорт кийимларигача савдога чиқарилади. Мазкур маҳсулотларнинг деярли барчаси юртимизда ишлаб чиқарилган бўлиб, ҳозирда 6 млн. нафар ўқувчи учун эҳтиёжлар захираси шакллантирилмоқда.

(Давоми 3-саҳифада).

Ўқув-семинар

Бухоро вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашида Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Конвенциялари, корхоналарда меҳнат муносабатларини тартибга солиш, ходимлар учун хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш бўйича иш берувчилар ҳамда уларнинг вакиллари билим ва тажрибаларини янада ошириш мақсадида ўқув-семинар ўтказилди.

Долзарб мавзуга бағишланди

Тадбирда бирлашма кенгаши раиси Ғулом Сафаров «Касаба уюшмалари тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар ва иқтисодиётнинг нодавлат секторидаги корхоналарда касаба уюшмаси ташкилотларининг ўрни» мавзуида маъруза қилди.

Шунингдек, бирлашма бўлим мудирлари Бахтиёр Қаюмов, Икромжон Тошов, Ҳайитбек Барноев ва бошқалар кун тартибидаги масала юзасидан тармоқларда олиб борилаётган ишлар ва галдаги вазифаларга эътиборни қаратди. Семинар қатнашчиларига мавзуга оид ўқув қўлланмалари тарқатилди.

Тадбирда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ташкилий ишлар бўлими мудири ўринбосари Қувондиқ Мукумов касаба уюшма етакчилари, иш берувчилар ҳамда уларнинг вакиллари олдида турган муҳим вазифаларга тўхталиб ўтди.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири

* * *

Нукусда ҳам шундай ўқув-семинар ташкил этилди. Унда республикадаги манфаатдор вазирлик ва ташкилотлар мутасаддилари, касаба уюшма фаоллари ва иш берувчилар вакиллари қатнашди.

Семинарда ХМТнинг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган 13 та Конвенцияси мазмун-моҳияти, корхона, ташкилот ва муассасаларда иш берувчи ва ходимлар олдидаги бурч ва мажбуриятлар тўғрисида маърузалар тингланди.

Шунингдек, ХМТ Конвенциялари талаблари Ўзбекистон Республикасининг қатор қонун ва меъёрий ҳужжатларида кўрсатилган ҳуқуқий нормаларга мос келиши, бу амалдаги жамоа шартномаларида акс этаётгани таъкидланди. Семинарда ЎзКУФК меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири Ўрол Адилов иштирок этиб, мавзу юзасидан маъруза қилди.

Тадбирда қатнашчиларни қизиқтирган саволларга жавоб берилди.

Ортиқбой МАМУТОВ,
«Ishonch» мухбири

* * *

Сирдарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида бўлиб ўтган ўқув-семинар ҳам қизғин кечди. Унда соҳа мутахассислари билан биргаликда туман ва шаҳарлардаги иш берувчилар вакиллари иштирок этишди.

Муҳокама ва савол-жавоб тариқасида ташкил этилган семинарда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда Халқаро Меҳнат Ташкилоти ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятнинг асосий йўналишлари, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда ХМТнинг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Конвенцияларини амалга оширишда иш беркувчилар олдидаги вазифаларга кенг тўхталиб ўтилди. Корхона ва ташкилотларда меҳнат муносабатлари ҳамда уларни тартибга олишда иш берувчининг вазифалари, меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил этиш ва ходимларга хавфсиз меҳнат шароитини яратиш тўғрисидаги маърузалар ҳам тингланди.

Таъкидланганидек, миллий қонунчилигимиз ва Халқаро қонунчилик меъёрларини ҳаётга татбиқ этилишида касаба уюшмалари ва иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий шериклик алоқаларининг ўрни бениҳоя каттадир.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«Ishonch» мухбири

Хушхабар

«Бунёдкор» футбол мактабининг 2002 йилда таваллуд топган болалардан иборат жамоаси Жанубий Кореянинг Хвасеонг шаҳрида ташкил этилган «Осиё ёшлар футбол фестивали»да муносиб қатнашди.

«ЁШ ҚАЛДИРҒОЧЛАР» ПАРВОЗИ!

Мураббийлар Акмал Рисқуллаев, Баҳодир Маҳкамов, Сергей Чигодаев шогирдлари барча учрашувларда юқори савияли ўйин намойиш этиб, мамлакатимизда футбол жадал ривожланаётганини амалда исботладилар.

Тақвимга кўра, жамоалар кунига иккитадан ўйин ўтказишди. Ҳар бир бўлим 30 дақиқадан иборат қилиб белгиланган ҳам айни муддао бўлди. Бунёдкор» жамоаси иштирокидаги ўйинлар натижаси ва улардаги киритилган голлар муаллифлари билан танишинг:

8 август. «Бунёдкор» — Непал - 3:3 (Диёрбек Раҳимқулов, Иззатилла Орифов, Отабек Жўрақўзиев).

«Бунёдкор» — Фаластин - 5:1 (Абдурауф Бўриев — 3 та, Жасурбек Абдулбеков, Жалолиддин Содиқов).

9 август. «Бунёдкор» — Мўғулистон - 10:1 (Диёрбек Раҳимқулов – 3 та, Отабек Жўрақўзиев ва Иззатилла Орифов — 2 тадан, Жалолиддин Содиқов, Аюбхон Умарҳўжаев, Абдурауф Бўриев).

«Бунёдкор» — Жанубий Корея СФА - 2:1 (Диёрбек Раҳимқулов — 2 та).

10 август. «Бунёдкор» — Жанубий Корея - 2:0 (Отабек Жўрақўзиев, Жалолиддин Содиқов).

«Бунёдкор» — Япония - 8:0 (Отабек Жўрақўзиев — 5 та, Диёрбек Раҳимқулов, Абдурауф Бўриев, Иззатилла Орифов).

Шу тариқа «Бунёдкор» футбол мактаби тарбияланувчилари «Осиё ёшлар футбол фестивали»нинг бош совринини қўлга киритдилар! Бу Мустақиллик байрамига ўзига хос туҳфа бўлди.

Адҳам АРСЛОНОВ,
«Ishonch» мухбири

Август ойи — ҳосилга ҳосил қўшадиган давр

Бу йил Сурхондарё вилояти сув хўжалиги ходимлари зиммасига салкам 100 минг гектарга яқин майдонда деҳқончилик қилаётган фермер хўжаликлари эҳтиёжларини қондириш вазифаси юклатилган. Айни шунга кўра, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш юзасидан пухта чоралар белгилаб олинган.

Ҳар қатраси ҳисобда

Сурхондарё магистрал тизими бошқармаси, «Тўпаланг Қоратоғ», «Сурхон-Шеробод» ҳамда «Аму-Занг» ирригация тизими бошқармалари билан имзоланган шартномага биноан Узун, Сариосиё, Денов, Олтинсой, Қумқўрғон ва Шўрчи туманларидаги 2500 та фермер хўжалиги экин майдонларига ўз вақтида сув етказиб берилмоқда.

— Сув танқислигининг олдини олиш бўйича махсус тадбир ишлаб чиқилиб, бошқармамиз қошида махсус гуруҳ тузилган. Гуруҳ аъзолари мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган тавсиянома асосида фермер хўжаликларида тушунтириш ишлари олиб боришмоқда. Бу каби тадбирларда кўпни кўрган оқсоқол ва тажрибали миробларнинг иштироки ўз самарасини бераяпти, — дейди Сурхондарё магистрал тизими бошқармаси бошлиғи Рустам Алимов.

— Фермер хўжалигимизнинг 35 гектар майдонида «Беш қаҳрамон» ғўза нави парваришланаяпти. Маълумки, ғўзани чанқатиб ҳам, қўлатиб ҳам суғориб бўлмайди. Нега деганда, ҳар икки ҳолатда ҳосил тугунчаларига зарар етади. Буни сувчиларимиз яхши билишади. Суғориш ишлари асосан тунда «шарбат» усулида амалга оширилаяпти.

Ғўза қатор ораларида шамол айланиб туриши юқори ва сифатли ҳосил гаровидир. Чунки, димиқиш оқибатида ҳосил нишоналари тўкилиши, экин касалланиши мумкин. Айни пайтда сувдан чиқарилган ва етилган жойлар культивация қилинмоқда. Бу ғўзанинг остки қисмига шамол тегиши, тупроққа қуёш нури тушишини таъминлайди, — дейди Қумқўрғон туманидаги Холмат Лапасов номли фермер хўжалиги бошлиғи А.Холматов.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Касаба уюшмалари: фаолиятга янгича ёндашув

Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон!

Мамлакатимизда олиб борилаётган туб ислоҳотларни амалга оширишга кўмаклашиш, жамиятда шаклланган янгича ишлаб чиқариш муносабатлари, меҳнаткашларнинг ҳуқуқий онг ва маданиятини юксалтириш билан боғлиқ вазифалар касаба уюшмалари фаолиятининг асосий йўналишларидан ҳисобланади. Нодавлат мулк шакллари тобора ривожланиб бораётган бир вақтда жамоат ташкилотининг саъй-ҳаракатлари меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишга қаратилган.

МЕҲНАТКАШЛАР ИШОНЧИ – ОЛИЙ МУКОФОТ

Ишчи-хизматчилар ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, ижтимоий шерикликни ривожлантириш, меҳнат муҳофазаси, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, бошланғич ташкилотларнинг ташаббускорлигини ошириш борасида Тошкент вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан қатор ишлар амалга оширилябпти. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларига бағишланган йиғилишида Президентимиз томонидан белгилаб берилган 12 та устувор йўналиш асосида бирлашма кенгашининг иш режаси шакллантирилиб, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга эътибор кучайтирилмоқда. Бу борада вилоят ҳокимлиги, касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳамда Савдо-саноат палатасининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан имзоланган ҳудудий келишув дастуруламал вазифасини ўтамоқда.

Мазкур ҳужжатга кўра, аҳолини иш билан таъминлаш, тадбиркорликни юксалтириш, ишлаб чиқаришдаги рақобатни қўллаб-қувватлаш, касаначиликни ривожлантириш фаолиятда муҳим ўрин эгаллаган. Вақтинча ишсизларга бандлик жамғармаси ҳисобидан моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган тадбирлар тобора самарали бўлмоқда.

— Меҳнаткашларни ҳимоялашда ижтимоий шериклар, яъни иш берувчилар билан тузиладиган келишув ва жамоа шартномалари ҳал қилувчи рол ўйнамоқда, — дейди меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири Руслан Раҳмонов. — Жорий йилнинг биринчи ярмида касаба уюшмалари томонидан вилоят миқёсида 1 та, туман (шаҳар) миқёсида 38 та жамоа келишуви ҳамда юридик шахслар билан имзоланган 7705 та жамоа шартномаси амал қилди. Яна шуни таъкидлаш зарурки, касаба уюшмаси хизматига олинган 8367 та юридик шахснинг 92 фоизида жамоа шартномалари қабул қилинган. Улар орқали 336036 нафар ишчи-хизматчи манфаатлари қамраб олинди.

ЎзА суратлари

Айниқса, Таълим, фан ва маданият, давлат муассасалари ва жамоат хизмати, металлургия ва машинасозлик саноати ходимлари касаба уюшмалари томонидан диққатга сазовор ишлар амалга оширилябпти.

«Соғлом бола йили» дастури доирасида ҳамда жамоа шартнома ва келишувлари орқали 2896 нафар фуқаро ва 277 та эҳтиёжманд оилага 348 млн. 299 минг сўмлик ижтимоий кўмак берилди. 120 та корхонада фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшга тўлгунга қадар бўлган 162 нафар ёш онага моддий ёрдам кўрсатилди. Тармоқ корхоналарига алоқадор камхарж, боқувчисини йўқотган оилаларнинг 111 нафар фарзанди учун ўқув қуроллари, дарсликлар харид қилиб берилди. Олий ўқув юртларида таҳсил олаётган 7 нафар талаба учун 11 млн. 900 минг сўмлик шартнома пуллари қопланди.

(Давоми 2-3-саҳифаларда).

Касаба уюшмалари:

ФАОЛИЯТГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Ishonch
2014-yil 12-avgust № 97 (3446)

Нодавлат секторда

«Ниҳол» республика илмий марказининг Шаҳрисабз шаҳридаги хўжалик ҳисобидаги «Марс» филиали 1993 йил 12 июлда туман ҳокимлиги томонидан рўйхатга олинган. Ўтган йилнинг март ойидан «Марс» илмий марказининг ҳуқуқий вориси сифатида «MARS Electronics» МЧЖ иш бошлади. 30 нафардан зиёд ходим фаолият юритадиган корхонадаги иш жараёни замонавий техника, автоматика ва технологик билим, тажриба талаб қилади.

Иштиёқ барчани бирлаштирди

Янгича шаклда иш бошлаган ва ўз олдига юксак мақсадларни қўяётган корхонада касаба уюшма қўмитаси тузилгач, барча бир овоздан Азизжон Рустамовни етакчиликка маъқул кўрди. Азизжонга фаолият қамрови кенгайганлиги, бошланғич ташкилотларга эътиборнинг ошаётгани иштиёқ ва куч бағишлади.

Касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлашга кўмаклашиш, ходимлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш, тарихий шаҳарларга саёҳатлар уюштириш, ҳар хил маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш, илғор ходимларга рағбат, эҳтиёжмандларига моддий ёрдам кўрсатиш, буларнинг барчаси ортида фақат ва фақат инсон манфаати, унга наф келтириш амаллари турганини дилдан ҳис этди. Жамоа ишончи ва зиммасидаги масъулият уйғунлашди.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, «MARS Electronics»нинг нафақат Қашқадарёда, балки Сурхондарё вилоятида ҳам филиали мавжуд бўлиб, ўзаро ҳамкорлик алоқалари яхши йўлга қўйилган. Яқинда Китоб туманида икки воҳа «марс»чилари ўртасида «Ватан туйғуси қалбимизда» шиори остида спорт мусобақалари бўлиб ўтди. Дастлаб, уч гуруҳдан иборат жамоаларнинг «Билимдонлар» танлови бўйича савол-жавоблар асосида назарий-амалий салоҳияти баҳоланди.

Сўнг спортнинг шахмат, шашка, теннис, дартс, бадминтон турлари бўйича мусобақалар ташкил этилди. Голиблар диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

— Бундай мусобақалар жамоаларни ўзаро ҳамжиҳатликда ишлашга, жамиятимизда яқин ҳамкорлик муҳитини яратишга хизмат қилади, — деди «MARS Electronics» МЧЖ раиси Шокир Жумаев. — Жамиятимизда шахмат спорт турини оммалаштиришга эътиборни кучайтирмоқчимиз. Чунки бу спорт турининг инсон ақлини чархлаш ва хотирасини мустаҳкамлашда ўрни беқиёс.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Тадбир

Наманган вилоятидаги «Ёшлар маркази»да ташкил этилган қурувчилар байрами соҳадаги фидокорона меҳнат қилаётган касб эгаларига олам-олам қувонч бағишлади.

«ҚУРУВЧИЛАР КУНИ» НИШОНЛАНДИ

Вилоят ҳокимининг ўринбосари Тўлқин Дадабоев йиғилганларни байрам билан қутлаб, жумладан, шундай деди:

— Бунёдкорларимиз ҳақида қанча таърифу тавсиф айтсак оз. Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги арафасида нишонланаётган ушбу байрамда фидойи инсонларнинг келгуси ишларига зафарлар ёр бўлишини тилаймиз.

Шундан сўнг бир гуруҳ ташкилот ва корхоналар фидокорона меҳнати билан бошқаларга ўрнак бўлаётган қурувчиларга вилоят ҳокимлигининг ташаккурнома, фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалари тақдим этилди.

Санъат усталари ижросидаги куй-қўшиқлар тадбирга янада файз киритди.

Феруза ЭРМАТОВА,
«Ўзавтодарётранс» агентлиги вилоят ҳудудий бўлими касаба уюшма қўмитаси раиси

Бухоро йўлчилар малакасини ошириш илмий-тадқиқот ишлаб чиқариш ўқув марказида вилоят йўл ташкилотларининг меҳнат жамоаларида фаолият кўрсатаётган ишчи-ходимларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб қилиш мақсадида шахмат бўйича мусобақа ташкил қилинди.

АҚЛ ГИМНАСТИКАСИ

Вилоятнинг шаҳар, туманларидан келган иштирокчилар беллашган мусобақада Йўлчилар ўқув марказининг бўлим бошлиғи Меҳрилло Абдуллаев 1-, бош мутахассиси Раззоқ Рўзиев 2-, «Йўлтранссервис» корхонаси бош ҳисобчиси Иззат Жумаев 3-ўринни эгаллашди. Уларга ўқув маркази касаба уюшма қўмитасининг совғалари топширилди.

Мусобақа якунига кўра, шахмат турнирида фаол иштирок этган Қоровулбозор туман йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш фойдаланиш корхонаси директор ўринбосари Шерзод Эгамов, Шофиркон туман йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш фойдаланиш корхонаси ҳаракат хавфсизлиги муҳандиси Ўткир Бозоровларга эсдалик совғалари топширилди.

Лобар БАРАКАЕВА,
Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими етакчи мутахассиси

БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА

МЕҲНАТКАШЛАР ИШОНЧИ — ОЛИЙ МУКОФОТ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Нодавлат мулк шаклидаги 149 та корхона ва ташкилотда меҳнат қилаётган 197 нафар болали аёлга енгиллик яратиш мақсадида ойлик маоши сақланган ҳолда иш ҳафтаси бир соатга қисқартирилди. Бунинг учун корхоналар ҳисобидан 4 млн. 916 минг сўм сарфланди.

Коллежни битириб ишга жойлашган ёшларнинг муқим ишлаб қолишини таъминлаш доимий диққат марказида бўлиб, касаба уюшма мутахассислари томонидан ўтказилган мониторинг чоғида 560 нафар йигит-қизнинг ҳақиқатда ўз иш жойида фаолиятини давом эттираётганлиги аниқланди.

Ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид зарур чора-тадбирларни белгилаш, уларни амалга оширишни таъминлаш мақсадида туман ва шаҳарлар ҳамда вилоят миқёсида касаба уюшма фаолларининг ҳокимликлар, турли идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари иштирокида «Меҳнат соҳасидаги муҳим аҳамиятга молик масалалар» мавзусида давра суҳбатлари ўтказилди. Давра суҳбатлари барча томонлар учун ниҳоятда фойдали бўлганлигини алоҳида қайд этиш зарур.

Бирлашма кенгаши ҳамда унинг тизимидаги ташкилотларда Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш борасида ҳам қатор ишлар амалга ошириляпти. Хусусан, «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танлови катта қизиқиш уйғотди. Танловнинг биринчи босқичи 391 та корхона, ташкилот ҳамда муассасада ўтказилиб, уларда 1104 нафар ёш мутахассис қатнашди. Туман ва шаҳарларда ташкил этилган танловларда эса 357 нафар иштирокчи орасидан вилоят босқичида қатнашувчилар сараланди. Кейинги босқичда 60 нафар мутахассис 9 та номинация бўйича беллашди. Бу йил вилоят ҳудудидаги мавжуд 20 та болалар ёзги соғломлаштириш оромгоҳида 13 минг 450 нафар, халқ таълими муассасалари қошидаги 123 та кундузги оромгоҳда 17 минг нафар ўғил-қизни дам олдириш режалаштирилган. Шу билан бирга, йиллар синовидан ўтган яхши анъанага кўра, Хоразм вилоятидан 1250 нафар бола соғломлаштирилди.

Хеч кимга сир эмаски, фаолиятга янгича ёндашув асосида давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ижтимоий шериклик муносабатларини, халқаро ташкилотлар, хорижий касаба уюшмалари марказлари билан икки томонлама ҳамкорлик қўламини янада кенгайтиришни тақазо этмоқда. Меҳнат муносабатлари ва меҳнат муҳофазасига оид қонунчилик ҳужжатлари ижросини таъминлашга қўмаклашиш борасидаги вазифалар янада кенг қўламли бўлиб, бунга эса изланиш ва ташаббускорлик орқали эришиш мумкин.

Ўз мухбиримиз

ТОШКЕНТ

Ижтимоий ҳимоя

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ўтказиб келинаётган акциялар меҳр-оқибат кўрсатишнинг ўзига хос намунасига айланиб бормоқда.

МЕҲР-ОҚИБАТ КЎРСАТИЛДИ

«Мурувват» ҳамда «Меҳрибонлик» уйлари — касаба уюшмалари эътиборида» шиори остидаги тадбир ҳам кўнгилларни лиммо-лим ҳаяжонга тўлдирди. Жумладан, Чирчиқ шаҳридаги 14-«Меҳрибонлик» уйига шахмат доскаси, теннис ракеткаси, цирк билетлари, 1 та компютер жамланмаси, 1 дона принтер совға қилинди. 100 та эҳтиёжманд оила ҳамда 40 нафар хизмат вақтида ҳалок бўлган ички ишлар ходимлари фарзандларига ёзги оромгоҳларда дам олиш учун бепул йўлланмалар ажратилди.

Шунингдек, 308 нафар «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчилари ва эҳтиёжманд оилалар фарзандлари музей, ботаника ва ҳайвонот боғлари, маданият ва истироҳат масканларига олиб борилди.

«Биз — мустақиллик фарзандларимиз» шиори остида Бўка туманидаги 15-«Меҳрибонлик» уйи 40 нафар тарбияланувчисининг Самарқанд шаҳрига саёҳати ташкил этилди.

Ўз мухбиримиз

Ёз — 2014

Шу кунларда Тошкент вилоятининг тоғли, баҳаво ҳудудларидаги «Камалак», «Ҳумо», «Коинот», «Чимён» каби болалар соғломлаштириш оромгоҳларида ўғил-қизлар мириқиб ҳордиқ чиқармоқда. Буни Бўстонлиқ туманининг Чимён қишлоғидаги «Қуёшли» оромгоҳи мисолида ҳам кўриш мумкин.

«ҚУЁШЛИ»ДА ҲАММА НАРСА СОЗ



Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига қарашли ушбу оромгоҳда мавсум мобайнида икки мингга яқин бола дам олади. Айни пайтда 380 нафарга яқин ўғил-қиз ҳордиқ чиқараётир.

«Қуёшли»да олий тоифали шифокор ва икки нафар ҳамшира болажонлар соғлигига масъул. Бу ерда болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида турли маданий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари билан бирга тез-тез табиат қўйнига саёҳатлар ҳам уюштириб турилади.

— Оромгоҳда янги дўстлар орттирдим, — дейди самарқандлик Моҳинур Убайдуллаева. — «Моҳир қўллар» ва инглиз тили тўгаракларига қатнаб кўп нарсаларни ўргандим. Янги ўқув йилида ўз устимда янада кўпроқ ишлаб, математика, физика каби фанларни чуқур ўрганмоқчиман.

Оромгоҳ ҳудудини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари ҳам муҳим. Бойси, «Қуёшли»нинг умумий ер майдони 13 гектар. Унинг асосий қисмини мевали ва манзарали дарахтлар ташкил этади. Турфа гуллар кишининг баҳри дилини очади. Ҳудудда етиштирилаётган мева-сабзавотлар болалар дастурхонига тортилади.

Б.ҲИДОЯТОВ

ЎзА суратлари

Жамоа шартномаси — амалда

Юртимизнинг қай гўшасига борманг, янгиланиш ва ўзгаришлар, бунёдкорлик ишлари, қолаверса, янги-янги корхоналарнинг ишга тушгани кўзингизни қувнатади.

Фаолият бошлаганига унча кўп вақт бўлмаган бўлса-да, юқори натижаларга эришаётган «TEXTILE TECHNOLOGIES GROUP» МЧЖ иқтисодиётимиз барқарорлигига муносиб ҳисса қўшиб келаётган корхоналар сирасига киради.

ХОДИМЛАР МАНФААТИ УСТУВОР

Юқори Чирчиқ туманининг Бордонкўл қишлоғида барпо этилган ушбу корхона пахта йигируви ва ип ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Айни пайтда корхонада 4 босқичда 430 дан ортиқ ишчи-ходим меҳнат қилмоқда.

2014 йил апрел ойида корхонада касаба уюшма қўмитаси тузилиб, ишчи-ходимларнинг ҳақ-ҳуқуқи, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилувчи ҳужжат — жамоа шартномаси имзоланди.

Корхонада ходимларни касаба уюшмаси аъзолигига қабул қилиш олдидан бунинг афзалликлари айтиб ўтилди. Шунингдек, меҳнат қонунчилигидаги қулайлик ва кафолатлар, ходимлар учун жамоа шартномаси орқали бериладиган имтиёзлар, маданий-маърифий, спорт тадбирлари ва ходимларнинг соғломлаштирилишини ташкил этишда касаба уюшмасининг ўрни хусусида сўз юритилди.

Жамоанинг 70 фоизини аёллар ташкил этганлиги боис уларга муносиб иш шароити яратишга алоҳида аҳамият қаратилди. Ишчиларнинг ишга бориб-келиши учун автобуслар ажратилган. Шунингдек, ишчилар бепул иссиқ овқат билан таъминланади. Бундан ташқари, корхонада ишчи-ходимларнинг саломатлигига жиддий эътибор қаратилаётир. Шу мақсадда тиббиёт хонаси ажратилган бўлиб, керакли тиббий асбоб-анжомлар билан тўла жиҳозланган.

Ишловчиларнинг 80 фоизини ёшлар ташкил этади. Ёш мутахассисларнинг касб сирларини пухта ўрганиши учун корхонада штат жадвалига ишлаб чиқариш устаси лавозими киритилган бўлиб, дастгоҳлардан фойдаланиш ва касб маҳоратини ўрганида жуда кўл келмоқда. Айтиш ўринлики, касб-ҳунар коллежини тамомлаган 100 дан ортиқ битирувчилар, оператор, механик, электрик касблари муваффақиятли ишлаб келмоқдалар.

Жамоа шартномасига киритилган бандлар асосида ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга уй-жой қуриш учун иш берувчи томонидан фоизсиз ссудалар берилмоқда.

Корхонада ходимлар саломатлигига жиддий эътибор қаратилмоқда. Сменалар ўртасида ўтказиб келинаётган турли мусобақаларда голиблар аниқланиб, маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси томонидан тақдирланмоқда.

Равшан ЖЎРАЕВ,
«TEXTILE TECHNOLOGIES GROUP» МЧЖ касаба уюшма қўмитаси раиси

Бошланғичда нима гап?

Кейинги йилларда касаба уюшмалари тизимини такомиллаштириш йўналишида амалга оширилаётган ишлар бевосита меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоясини кучайтиришга қаратилаётир. Бу айни вақтда бошланғич ташкилотлар фаолияти янада жонланганлиги билан ҳам бевосита боғлиқ.

ЭРТАДАН УМИД

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Ангрен шаҳар кенгаши таркибида 120 та бошланғич ташкилот бўлиб, уларда 5870 нафар аъзо бирлашган.

Барча муассасаларда жамоа шартномаси имзоланишига жиддий эътибор қаратилди. Ходимлар учун етарли меҳнат ва маиший шароитларни яратиш, жамоа шартномаларида белгиланган имтиёзлардан ходимларнинг бирдек фойдаланиши, касаба уюшмалари органлари фаолиятининг ошкоралиги, аъзолар олдида мунтазам ҳисобот бериб борилишини таъминлаш каби йўналишлар бошланғич ташкилотлар фаолиятини баҳолашнинг асосий мезонига айланди.

Фаолиятни тубдан такомиллаштириш, бошланғич касаба уюшма ташкилотлари имкониятини ошириш йўлидаги ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Сўнгги 2 йилда аъзолар меҳнатидан фойдаланувчи юридик шахсларнинг 99,8 фоизи жамоа шартномавий муносабатлар билан қамраб олиниб, бу кўрсаткич 2012 йилга нисбатан 5 фоизга ортди.

Амалдаги жамоа шартномалари ва келишувлари орқали 2013-2014 йилларда 566 нафардан ортиқ фуқарога 31 млн. 449 минг сўмлик ижтимоий кўмак берилди.

Жорий йилнинг олти ойида касаба уюшма маблағи ҳисобидан 57 нафар ходим, улардан 37 нафари оила аъзолари билан сиҳатгоҳларда саломатлигини тиклади.

Ҳар бир бошланғич ташкилот 2014 йилдаги устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда ўз фаолият йўналишларини белгилаб олган бўлиб, ижро интизомига оғишмай амал қилинмоқда.

Шаҳар кенгаши таркибидаги бошланғичлар 14 та таянч ташкилотга бириктирилган. Таянч ташкилотлар ўртасида мусобақа ташкил этилди. Унда 4-мактабгача таълим муассасаси касаба уюшма қўмитаси раиси Моҳичеҳра Жўраева ўзига бириктирилган 10 та ташкилотнинг ишини яхши йўлга қўйганлиги учун бошланғич ташкилотга шаҳар кенгаши томонидан компютер совға қилинди. Бу таянч ташкилотлар юқоридан тушган

АЗИЗДИР ИНСОН!

ВИЛОЯТИ

Аъзолик афзалликлари

САФИМИЗ КЕНГАЙСА, ИМКОНИЯТЛАРИМИЗ ОРТАДИ

Жамоа шартномаси — аксарият касаба уюшма ташкилотлари учун аъзолик афзалликларини асослашнинг ягона воситаси ҳисобланади. Касаба уюшма органлари, биринчи навбатда, нодавлат сектордаги корхона ва муассасаларда, айниқса, қўшма корхоналарда касаба уюшма ташкилотини тузишга эътиборни муттасил кучайтириб бераётгани ҳам бежиз эмас. Бунда меҳнат жамоаларида тез-тез учрашувлар ўтказиш, ишловчиларга касаба уюшма аъзолик афзалликларини тушунтириш омилларини излаб топиш самара бериши шубҳасиз.

Мулк шаклидан қатъи назар, корхонада жамоа шартномаси имзолангач, унинг меъёрлари барча текширувчи органлар ва тижорат банклари томонидан тан олиниши шарт. Энг муҳими, иш берувчи ва касаба уюшма ташкилоти етакчиси ҳар йили жамоа шартномасида кўзда тутилган имтиёзлардан ходимларнинг тўлиқ фойдаланиши юзасидан меҳнат жамоаси олдида ҳисобот беришга мажбур бўлиб, хусусан, меҳнатга муносиб ҳақ олиш учун барча чоралар кўрилади. Иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши касаба уюшма ташкилоти назоратида бўлади.

Шу билан бирга, меҳнат муносабатларига оид масалалар, жумладан, иш берувчи томонидан меҳнат қонунларига риоя этилиши, йиллик меҳнат таътилларининг ўз вақтида берилиши, иш берувчи маблағи ҳисобидан белгиланган муддатда меҳнаткашларнинг тиббий кўрикдан ўтказиш касаба уюшма ташкилоти кузатуви остида бўлади. Касаба уюшмалари меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларининг соғлигини тиклаш юзасидан амалий ёрдам кўрсатади.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан жорий йилнинг биринчи ярмида 503 та корхона, муассаса ва ташкилот касаба уюшма хизматига олинди. Янгийўл ҳамда Ўрта Чирчиқ туманларидаги «Ҳунармандлар уюшмаси», «Textile Technoligies Group», «Чирчиқгазтаъминотсервис», «Двери шедевр» масъулияти чекланган жамиятлари, «GMPT-UZBEKISTAN» ЁАЖ мотор заводи кабилар шулар жумласидан. Бу борада Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Оққўрғон, Бўка, Қибрай туман кенгашларида яхши натижаларга эришилди. Соғлиқни сақлаш ходимлари Ангрен шаҳар бирлашган касаба уюшма қўмитаси, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Зангиота туман кенгаши ҳам бу борада фаоллик кўрсатишди.

Эндиликда биз янги тузилган касаба уюшма етакчилари малакасини оширишга асосий эътиборни қаратмоқдамиз. Улар услубий қўлланмалар билан таъминланиб, турли ўқув-семинарлар ташкил қилинаётир.

Улуғхўжа ҲАМЗАЕВ,
вилоят кенгаши ташкилий ишлар бўлими мудири

Касаначилик

«Ўзбеккўмир» очиқ акциядорлик жамиятида касаначиликка алоҳида эътибор қаратиляпти. Шу кунгача 201 нафар касаначи билан меҳнат шартномаси тузилган бўлиб, улар тикувчилик, автомашина, оёқ кийимларни таъмирлаш, тунукасозлик ҳамда қорамол боқиш ишлари билан шуғулланишмоқда.

ҚУЛАЙ ШАРОИТ

Касаначилик ҳаракати, айниқса, ОАЖнинг «Ангрен кўмир кони», «Белазкўмир», «Алоқа кўмир», «Кўмир кон қурилиш» унитар корхонаси, «Ер ости ишлари» каби бир қатор филиалларида яхши йўлга қўйилган.

— Касаначилик кўп болали, уйда ўтирадиган аёлларга ниҳоятда қулайлик яратмоқда. Энг асосийси, уларнинг меҳнат стажлари узлуксиз давом этиб, касаба уюшма аъзоларининг барча имтиёзларидан фойдаланишмоқда, — дейди «Ўзбеккўмир» ОАЖ бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Абдуносир Қаюмов. — Шу кунгача уларнинг 22 нафари аъзоликка қабул қилинган бўлиб, жорий йилнинг охиригача барча касаначиларни сафимизга жалб қилишни режалаштирганмиз.

Ўз мухбиримиз

Мактаб ярмаркаси иш бошлади

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

— 2012 йилда банкдан кредит олиб, оёқ кийимларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик, — дейди марғилонлик тадбиркор «Grand Kibo» МЧЖ раҳбари Акбархон Маҳмудов. — Ушбу мактаб ярмаркасида 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўғил-қизлар учун 22 турдаги пойабзални тақдим этяпмиз. Маҳсулотларимиз тоза чармдан ишланган. Сифат жиҳатдан ва бежиримлилиги билан хориж маҳсулотларидан қолишмайди. Шунинг учун ҳам корхонамизда ишлаб чиқарилаётган пойабзалларга талаб катта.

Маҳаллий ҳокимликлар Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда мактаб ярмаркаларида савдоси ташкил этилаётган маҳсулотларнинг амалдаги стандарт талабларига жавоб бериши ҳамда сифатини назорат қилаётгани эса харидорларнинг кўнглидаги иш бўлаяпти.

Шунингдек, мактаб ярмаркаларида сотиладиган маҳсулотлар нархларининг сунъий равишда ошиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда уларда тўлов терминалларининг узлуксиз ишлашини йўлга қўйиш мақсадида маҳаллий ҳокимликлар ва давлат солиқ қўмитаси томонидан қатъий назорат ўрнатилганлигини ҳам таъкидлаш лозим.

— Ҳар йили ўтказиладиган мактаб ярмаркаларининг доимий қатнашчисиман, 4 нафар неварам мактабга боради, — дейди харидор Раъно Тожиева. — Улар учун зарур бўлган ўқув қуроллари, мактаб формаси ва спорт кийимларини мактаб ярмаркаларидан харид қиламан. Чунки бу ердаги нархлар бозорникидан анча арзон.

Ярмаркаларда савдо ишларини амалдаги солиқ ва банк қонунчилигига тўлиқ риоя қилган ҳолда ўтказиш ҳамда аҳолига қўшимча қулайлик яратиш мақсадида савдо ташкилотлари ва хусусий тадбиркорлик субъектларида 1885 та барча турдаги тўлов терминали ўрнатилиши белгиланган.

Ўз мухбиримиз.
Икром ҲАСАНОВ
олган суратлар

Кўмак

Тошкент вилоятидаги касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва иш жойларида муқим ишлаб қолишларини таъминлаш мақсадида касаба уюшма ташкилотлари томонидан уларга мунтазам равишда моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилмоқда.

БИТИРУВЧИЛАРГА ИМТИЁЗ

Жумладан, амалиёт ўтаётган 898 нафар кам таъминланган ўқувчига республикада ўрнатилган энг кам иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида моддий ёрдам берилди.

Жорий йилда ўқишни имтиёзли диплом билан битирган ва кам таъминланган 500 нафар битирувчига ишга жойлашганларидан сўнг касаба уюшма ташкилотлари ҳисобидан энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида бир марталик моддий ёрдам бериш режалаштирилган.

Энг муҳими, ёш йигит-қизлар касаба уюшмалари ҳимояси остида бўладилар.

Ўз мухбиримиз

Сизнинг адвокатингиз

МУРОЖААТГА ЭЪТИБОР

Бирлашма юридик бўлими томонидан фуқароларга ҳуқуқий кўмак бериш мақсадида ташкил этилган «Ишонч телефони» кимларнингдир узоғини яқин, кимларнингдир мушкулини осон қилмоқда.

Ангрен шаҳрида чоп этиладиган «Улуғ йўл» газетаси орқали «Савол беринг, жавоб берамиз» саҳифасида меҳнат қонунчилиги муносабатларига оид газетхонларнинг саволларига юридик бўлим томонидан меъёрий ҳужжатлари асосида жавоблар берилди.

Жорий йилнинг 6 ойи давомида «Ишонч телефони»га 66 та оғзаки ва 26 та ёзма мурожаатлар келиб тушди. Барча мурожаатлар ўрганиб чиқилди. Айтиш керакки, мурожаатлар асосан иш берувчининг мажбуриятлари, иш ҳақи, пенсия тўловлари, иш вақти ва таътиллар тартиби, меҳнат шартномасини бекор қилиш, интизомий чора қўллаш, моддий ёрдам, сиҳатгоҳларга йўлланмалар ажратиш ҳамда бошқа меҳнат қонунчилигига оид масалаларга оид бўлиб, уларга ҳуқуқшунослар томонидан муфассал жавоб берилди.

Жумладан, фуқаро С.Барташевичнинг даволаш-профилактика марказига имтиёзли йўлланма ажратишни сўраб ёзган аризаси тегишлича ўрганиб чиқилиб, бирлашма кенгаши томонидан унга соғлигини тиклаш ва доридармонлар харид қилиш учун моддий ёрдам ва имтиёзли йўлланма ажратилди.

Касабақўм етакчилари ва иш берувчиларнинг ҳуқуқий билимини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Конвенцияларини амалга оширишга бағишланган ўқув-семинарда мавзу доирасида маърузалар қилиниб, иштирокчиларнинг меҳнат қонунчилигига оид саволларига жавоб берилди. Семинарда 200 дан ортиқ бошланғич касаба уюшма ташкилоти етакчилари, мактаб ҳамда мактабгача таълим муассасалари раҳбарлари иштирок этди.

Наргиза АСАДОВА,
бирлашма кенгаши юридик бўлими мудири



ЎзА фотосурат лари

КАТТА

барча ҳужжатларни ўзига бириктирилган ташкилотларга етказиб, ижро назоратида шаҳар кенгашига яқиндан ёрдам бераётир.

Шунингдек, «Сиз ҳуқуқингизни биласизми?», «Куч адолатдадир», «Йилнинг энг яхши маънавият тарғиботчиси», «Балли, касабақўм», «Йилнинг энг фаол ёш ўқитувчиси», «Йилнинг энг фаол ёш тарбиячиси», «Истиқлол ғунчалари», «Ўз касбининг моҳир эгалари» мавзуларида кўрик-танловлар ўтказилиб, ғолиблар Самарқанд, Бухоро шаҳарларига саёҳатга олиб борилди.

Ижтимоий шериклик асосида маъмуриятлар ва касаба уюшма ташкилотлари ҳамкорликда олиб бораётган ишлар ҳам ўз самарасини бермоқда. Тизимда ўтказилаётган «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловида шаҳардаги бошланғич ташкилотлар ҳам совриндорлар сафидан жой олишмоқда. 2013 йилда Ангрен компютер ва ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи бошланғич касаба уюшма ташкилоти Республика босқичида 2-ўринни эгаллади.

«Меҳнат муҳофазаси бўйича жамоат назоратини энг яхши ташкил этиш» ва «Энг яхши корхона» кўрик-танловларининг вилоят босқичида 34-мактаб фахрли ўринларни қўлга киритди.

Бошланғич ташкилотлар фаолларини ўқитиш ишларига ҳам эътибор кучайтирилиб, жамоатчилик асосида ишлаётган касаба уюшма қўмитаси раислари ва аъзоларини рағбатлантириш тизими йўлга қўйилди.

Нодавлат сектор муассаса ва ташкилотларида меҳнат қилаётган ишчи-ходимлар ўртасида касаба уюшмасига аъзолик афзалликлар тўғрисида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Натижада, 2 йил ичида 15 та нодавлат ташкилот касаба уюшма аъзолигига қабул қилиниб, уларда меҳнат қилаётган 125 нафар ходимнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимояси кучайтирилди. «Касаба уюшмасига аъзо бўлинг» мавзусида буклетлар тайёрланиб, аъзолик афзалликларини ифодаловчи стендлар тайёрланди.

Касаба уюшмалари фаолиятига бошланғич ташкилотларда амалга оширилаётган ишларга қараб баҳо берилади. Шундан келиб чиққан ҳолда ҳар бир етакчи ва фаол биринчи навбатда, бошланғич ташкилотнинг, қолаверса, бутун республика касаба уюшмаларининг нуфузини янада ошириш йўлида куч-ғайратини аямайди, деб умид қиламиз.

Равшаной ҒОЗИЕВА,
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Ангрен шаҳар кенгаши раиси

Етакчи минбари

Янгийўл туманидаги Ўзбекистон Локоматив депосида 2542 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Ҳозирги кунда бу ерда локомативларни тубдан янгилаш ишлари амалга оширилмоқда. Корхонада Хитойдан келтирилган электр энергиясини тежовчи, замонавий, барча қулайликка эга бўлган 38 та электровоздан фойдаланилмоқда. Бундан ташқари, 2 та «Afrosiyob» тезюрар электропоезди, 120 дан зиёд локоматив тун-у кун йўловчилар хизматида.

ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИК АСОСИДА

Жамоа шартномаси орқали ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий манфаатлари ҳимоя қилиб келинмоқда. Хусусан, жамоамизда ишловчи 250 нафарга яқин аёлга қўшимча имтиёзлар яратилган.

180 нафар ходимга саломатлигини тиклаш учун 22 млн. 440 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилгани ана шу тадбирлар сирасидандир. Хотира ва қадрлаш кунида уруш қатнашчилари ҳамда нафақадаги фахрийлар ҳолидан хабар олинди.

Корхонада спорт ва соғломлаштириш ишларига ҳам жиддий эътибор қаратмоқда. Жумладан, ишчи-ходимлар учун янги замонавий мини футбол майдончаси, волейбол, баскетбол майдончалари қуриб, ишга туширилди. Тренажер зали капитал таъмирланиб, спорт инвентарлари билан жиҳозланди. 2500 минг сўмлик спорт инвентарлари кийимлари харид қилинди. Депо биринчилиги учун цехларда ишлайдиган ёшлар ўртасида мусобақа ўтказилиб, ғолиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Ишловчиларга концерт ва театр томошаларига ҳамда Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан ўғил-қизларга Ўзбекистон миллий боғи, Локоматив боғи, Ўзбек давлат цирки ва бошқа кўнгилочар жойларга таклифномалар тарқатилди.

Ишчи-хизматчиларнинг дам олишини ташкиллаштириш учун Ҳожикент панционатига оилавий дам олиш учун йўлланма ажратилди.

44 нафар ходим Назарбек, Чимён, Оқтош, Зомин ва бошқа санаторийларда соғликларини мустаҳкамлаб қайтди. Жорий йилги ёз мавсумида ишчи-ходимларнинг 132 нафар фарзанди «Қибрай» ва «Янги авлод» оромгоҳларида ҳордиқ чиқарди.

Ҳошим АСАТОВ,
Ўзбекистон Локоматив депоси касаба уюшма қўмитаси раиси

Қўшсаҳифа материлларини «Ishonch» мухбирлари Неъмат РАФИҚОВ ва Жамшид ЭРГАШЕВ тайёрлади.

Реклама ва эълонлар

Диққат! Диққат! Диққат!
Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ бошланғич нарҳи босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади.

Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси тасарруфидаги Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Беларик кўчаси, 18-ва 22-уй манзилида жойлашган, «Виардо» меҳмонхона мажмуаси.

Бошланғич нархи — 9 702 859 600 сўм.

Балансда сақловчи: Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси.

Фаолият ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

Савдо ташкилотчиси: «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А»уй. Тел/факс (8-371) 228-84-48. веб сайт; www.1kms.uz. электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR 0001.

Аукцион савдоси 2014 йил 15 сентябр куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А уйда ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2014 йил 29 сентябр, 13 ва 27 октябр кунлари, соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: ОАИТБ «Ипак йўли» Сағбон филиали, х/р: 20208000904920609114; МФО: 01036; СТИР: 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; - жисмоний шахслар учун паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; — аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А»уй.

Маълумотлар учун телефонлар: (8-371) 228-84-48. Факс: (8-371) 228-80-23.

Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб сайт; www.1kms.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (8-371) 259-21-37 рақамли «Ишонч телефони»га зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

Савдоларга марҳамат қилинг!
Хизматлар лицензияланган.

Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш Бош илмий-методик маркази жамоаси ва касаба уюшма ташкилоти Марказнинг бўлим бошлиғи Анвар Султоновга қизи

ЛОБАРнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси жамоаси Бирлашма кенгаши раиси Фарҳод Хидировга опаси

Сайёра БАҲРОМОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ishonch
2014-yil 12-avgust № 97 (3446)

Нанкин – 2014

Ўзбекистон спорт делегацияси жорий йилнинг 16-28 август кунлари Хитойнинг Нанкин шаҳрида бўлиб ўтадиган ўсмирлар ўртасидаги II Олимпия ўйинларида иштирок этади. Шу муносабат билан пойтахтимиздаги «Олимпия шонушуҳрати» музейида спортчиларимизни Нанкинга тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди.

ОҚ ЙЎЛ СИЗГА, ОЛИМПИЯЧИЛАР!

Тадбирда Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси раиси М.Усмонов, Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазирининг биринчи ўринбосари М.Алиев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, спортни ривожлантириш, ўсиб келаётган навқирон авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга етказишга қаратилаётган доимий эътибор юксак самаралар бераётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 февралдаги «Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида»ги Қарори спортчилар орасидан янги-янги истеъдодларни кашф этиш, уларнинг замонавий меъёрлар асосида ўқув-машғулот йиғинларини ўтказиши, халқаро мусобақаларга пухта тайёргарлик кўриши ва муносиб иштирок этиши учун қулай шарт-шароит яратишда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

— Олимпия ўйинлари, қитъа ва жаҳон чемпионатлари каби нуфузли мусобақаларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиш ҳар бир спортчининг орзусидир, — дейди бокс бўйича Осиё ва жаҳон чемпиони Бектемир Меликўзиев. — Нанкинда ўтказиладиган мусобақаларда Юртбошимиз ва халқимиз ишончини албатта оқлаймиз.

— Ўзбекистонлик кураш усталарининг нуфузли мусобақаларда шоҳсупага кўтарилиши яхши анъанага айланган, — дейди хотин-қизлар кураши бўйича терма жамоа катта мураббийи Аҳмет Кагарманов. — Катта спорт бўсағасида турган навқирон спортчиларимиз ҳам нуфузли мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Мустақиллигимизнинг 23 йиллигига муносиб тўёна билан қайтишади.

Нанкинда бўладиган II ўсмирлар Олимпиадасида дунёнинг 170 дан зиёд мамлакатидан 14-18 ёшдаги 3,5 минг нафар ўғил-қиз спортнинг 30 тури бўйича куч синашади. Жумладан, саралаш босқичларидан муваффақиятли ўтган 28 нафар олимпиячимиз спортнинг 14 тури бўйича мусобақаларда иштирок этади.

ЎзА хабари асосида тайёрланди.
ЎзА фотомухбири Муҳаммад АМИН олган сурат

Оммавий спорт

Тошкент Давлат техника университетининг спорт мажмуасида «Соғлом оила» шиори остида республика оилавий спорт мусобақаларининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Мусобақа Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси билан ҳамкорликда ташкил этилди. Мустақиллигимизнинг 23 йиллигига бағишлаб «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида ўтказилган тадбирда меҳнаткашлар ва уларнинг фарзандлари фаол қатнашди.

Соғлом оила – жамият таянчи

Меҳнаткашлар ҳамда уларнинг фарзандлари соғлиғини мустаҳкамлаш мақсадида спорт мусобақаларини мунтазам равишда ўтказиб бориш, спортнинг оммавийлигини ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш касаба уюшмалари фаолиятида муҳим аҳамият касб этади.

— Пойтахтда жойлашган корхона, ташкилот ва муассасаларда ишловчи меҳнаткашлар ҳамда уларнинг фарзандлари иштирокида «Соғлом оила» спорт мусобақалари босқичма-босқич ўтказилди, — дейди касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири Ирода Ҳикматова. — Қизиқарли беллашувларга бой бўлган ва дўстона руҳ, байрамона кайфият ҳукм сурган мусобақалар барчага манзур бўлди.

Касаба уюшмалари тизимидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган ишчи-хизматчилар ҳамда уларнинг фарзандларидан иборат 14 та оила вакиллари шаҳар босқичида ҳам фаол қатнашишди. Бир ўғил, бир қиздан иборат оилавий жамоалар югуриш, тўпни нишонга отиш, чаққонлик ва мерганлик, моҳир ҳужумчи, тезлик ва эпчиллик, арқон тортиш каби шартлар бўйича маҳоратларини синовдан ўтказиш имконига эга бўлдилар.

Мусобақа аввалида иштирокчиларга кўтаринки кайфият бағишлаш мақсадида «Марварид» болалар студиясининг «Қувноқ таътил» ашуласи янгради, сўнг Ўзбек Давлат цирки артистлари, Олмазор туманидаги 10-олимпия захиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактаби аъзоларининг акробатика, Турон жанг санъати бўйича кўргазмали чиқишлари намойиш этилди. Бу ўзига хос байрам дастури, табиийки, иштирокчиларнинг ғалабага бўлган интилишини янада оширди.

«Энг фаол оила» номинацияси ғолиби бўлган Одиловлар оиласини суҳбатга тортдик.

— Мазкур мусобақада турмуш ўртоғим, ўғлим Олимжон билан биргаликда иштирок этдик, — дейди Учтепа туманидаги 203-мактабнинг маънавий-маърифий ишлари бўйича директор ўринбосари Дилфуза Тўланова. — Мактабимизда спорт бўйича 7 та тўгарак фаолият олиб боради. Мен ҳам 20 дан 40 ёшгача бўлган аёллар учун очилган бадиий гимнастика бўйича тўгаракка қатнашаман. Кези келганда таъкидлашим лозимки, касаба уюшмалари томонидан ўқитувчи ва ўқувчиларнинг дам олиши учун имкон қадар шароитлар яратиб берилган.

Натижаларга кўра, ўғил болали оилалар ичида Маҳкамовлар, қиз болали оилалар ўртасида Валиевлар оилалари 1-ўринга лойиқ топилди. Улар финал босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Ўз мухбиримиз

Устоз ҳақида

Эл хизматида

Ўз касбини севган инсон иш жараёнида дуч келиши мумкин бўлган тўсиқларни ўйламайди ҳам. Республикамиз тиббиёт тизимининг санитария-эпидемиология хизматида 56 йилдан буён фаолият юритиб келаётган тиббиёт фанлари номзоди Карим Ортиқов шундай бағри бутунлар сирасидан.

У 1958 йили Тошкент тиббиёт институтини муваффақиятли тамомлагач, Шайхонтоҳур туманида врач эпидемиолог вазифасида иш бошлади. 1961 йилда вилоят СЭСида фаолиятни давом эттирди. Ёш шифокор билимдон ҳамда талабчанлиги туфайли жамоада ҳурмат топди. 1964-74 йиллар оралиғида ўта хавфли юқумли касалликлар бўлими мудири вазифасида меҳнат қилди.

Карим ака 1971-1973 йилларда бош шифокор муовини, 1973-1988 йиллари бош шифокор бўлиб ишлаганида ҳам изланишдан, ўқиб-ўрганишдан тўхтамади. Карим Ортиқовнинг фидокорона меҳнатлари туфайли вилоятда юқумли касалликлар сони камайиб, уларнинг олдини олишда муайян ишлар амалга оширилди. Эпидемияга қарши чора-тадбирлар ўз вақтида ўтказилганлиги боис, Тошкент вилояти СЭСи бир неча маротаба республикада биринчи ўринга муносиб кўрилди.

К.Ортиқов 1988 йилдан Тошкент шаҳар Дезинфекция станциясида бош шифокор сифатида фаолият юритиб келяпти. Ўтган даврда Тошкент шаҳар ҳамда Миробод, Сирғали, Чилонзор туман дезинфекция станциялари қайта таъмирланиб, моддий-техника базаси яхшиланди. Олмазор, Учтепа туман дезинфекция станциялари янгидан қурилиб, замонавий ҳолга келтирилди. Барча бош врачлар, бўлим бошлиқлари, врачлар ва эпидемиолог ёрдамчилари олий тоифага эга бўлишди.

У кишининг шогирдлари айни вақтда республикамизнинг кўплаб тиббиёт муассасаларида самарали фаолият кўрсатаётир.

Карим Ортиқов бошланғич касаба уюшма ташкилоти фаолларидан ҳам маслаҳат ва ёрдамини аямайди. Ойлик маошларнинг вақтида берилиши, камхарж оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш, турли маданий ҳамда спорт тадбирлари ўтказилиши доимо эътиборда.

Бу пири бадавлат инсон 80 ёшда бўлса-да ҳамон куч-қувватга тўла. Ундаги фазилатлар шогирдларига ўтган, фарзандлари сиймосида янада барқ уриб яшнаяпти.

Устозимизнинг ҳаёт йўли биз учун ибратдир.

Моҳира АЛИМОВА,
Тошкент шаҳар Дезинфекция станцияси касаба уюшма қўмитаси раиси

Эртамиз эгалари

Ҳавас қилмай бўларканми?!

Ўзбекистон ёшлари ҳар соҳада илғор, ташаббускор. Чунки улар мустақил юртга муносиб бўлиш учун астойдил интилишади. Навоий вилоятида ҳам шундай ифтихорга лойиқ навқирон авлод вакиллари жуда кўп.

Зарафшон шаҳридаги 10-мактаб ўқувчиси Гулноза Аҳмадова шулардан бири. У 9 ёшидан акаси билан Зарафшон шаҳридаги «Прогресс» спорт мажмуасига оғир атлетика бўйича машғулотларга қатнай бошлади. Мураббийи, оила аъзоларининг қўллаб-қувватлаши, шунингдек, тинимсиз машқлар самараси ўлароқ, ёш бўлишига қарамай, қатор нуфузли мусобақаларда совринли ўринларни эгаллаб келмоқда. Жумладан, 2011 йили Чирчиқ шаҳрида 1995 йилда туғилган ва ундан кичик ёшлар ва қизлар ўртасидаги Ўзбекистон чемпионатида 2 та олтин ва 1 та кумуш медални қўлга киритди. 2013 йили бўлиб ўтган Ўзбекистон чемпионатида уч карра биринчи, мазкур йили Қатар шаҳрида ўтган халқаро турнирда иккинчи ўринни эгаллади. Жорий йилда Таиландда ташкил этилган халқаро мусобақада ҳам муваффақиятли қатнашди. 5-7 июн кунлари Навоий шаҳрида ўтказилган 1994 йилда туғилган ва ундан кичик ёшдагилар ўртасидаги Ўзбекистон чемпионатида Гулноза 85 кг. оғирликни забт этишга муваффақ бўлди. Спортчи қизимизнинг айтишича, унинг бу ютуқларида, авваламбор, акаси Шамсиддин Аҳмадов ва мураббийи Абдулла Тоғаевнинг ҳиссаси катта.

— Ҳар гал ғалабага эришганимда имкониятлари чексиз мамлакатда яшаётганимдан бошим кўкка етади. Ҳар йили оромгоҳларда бепул дам олиб, дўстлар орттиряпман. Келгусида мен ҳам устозимдек талабчан мураббий бўлмоқчиман, — дейди Гулноза.

— Ёш авлодни баркамол этиб тарбиялаш, улар саломатлигини тиклаш, айниқса, қизларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш масаласига давлатимиз томонидан улкан эътибор берилаётир. Шу боис ёшларимизнинг спортга бўлган қизиқиши йилдан-йилга ошмоқда. Невараларим Шамсиддин ва Гулноза кетма-кет муваффақиятларни қўлга киритиб, жаҳон миқёсида давлатимиз байроғини юксакларга кўтарганда қувончдан энтикиб кетаман. Шундай ёруғ кунларни, солиҳ фарзандлар камолини кўрганимга шукроналар айтаман, — дейди ака-сингил спортчиларнинг бобоси Баҳодир ака Халилов.

Бугун соғлом фикрли ёшларимиз Ватанга муносиб фарзанд бўлишдек эзгу мақсадни дилига жо этиб, истеъдод ва қобилиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Шундай экан, айтинг-чи, юрт шарафини ҳимоялаётган Гулноза сингари минглаб ёшларимизга ҳавас қилмай бўладими?!

Умида РАҲИМОВА, журналист.
Баҳром РАВШАНОВ олган сурат

Оромгоҳ бағрида

Халқ таълими вазирлигига қарашли «Меҳнат — роҳат» соғломлаштириш оромгоҳи Қувасой шаҳрининг Лангар қишлоғида жойлашган. Жорий йилда оромгоҳнинг барча бинолари қайтадан таъмирланиб, ҳудудни ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Айни кунларда дам олиш маскани Марғилон шаҳридаги 1-«Меҳрибонлик» уйининг 135 нафар тарбияланувчисини ўз бағрига олган. Болалар саломатлиги 3 нафар малакали тиббий ходим назоратида. 8 нафар тарбиячи дам олувчиларнинг

УНУТИЛМАС ЛАҲЗАЛАР

кўнгилдагидек ҳордиқ чиқариши учун турли кўнгилочар тадбир ва викториналар ўтказилишида бош-қош.

— Оромгоҳимизда шинам ётоқхона, мўъжазгина ошхона, кутубхона, сув ҳавзалари, спорт майдончалари, тиббиёт пункти болалар хизматида, — дейди оромгоҳ раҳбари Каримжон Рўзибоев. — Рассомчилик, моҳир қўллар, компютер саводхонлиги, меҳнат, мусиқа каби тўгараклар, шахмат-шашка, теннис, волейбол, баскетбол, футбол, сузиш, енгил атлетика бўйича секциялар фаолият кўрсатмоқда.

Яқинда дам олувчилардан 30 нафари Фарғона ҳарбий техника лицейида бўлиб, ўқув хоналари, ҳарбий техника воситалари билан яқиндан танишишди. Шунингдек, лицей ўқувчилари билан спортнинг бир неча турлари бўйича мусобақа ўтказди.

Қувасой, Марғилон шаҳарларидаги мактаблар бадиий жамоалари навбатма-навбат оромгоҳда турли концерт дастурларини намойиш этмоқда.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ

Инсон ва табиат

Айдар-Арнасой кўллар тизимига кирувчи бу кўлнинг пайдо бўлиш тарихи жуда қизиқ. Номи эса ундан ҳам.

Ўтган асрнинг 60-йилларида тўлиб-тошиб оққан Сирдарё сувининг катта қисми Чордара сув омборида тўпланган. 1969 йилда сув ҳажмининг ҳаддан кўпайиб кетиши натижасида уни назорат қилишнинг иложи бўлмай қолган. 1969 йилнинг февралидан 1970 йилнинг февралига қадар Чордара сув омборининг олтмиш фоиз суви чўлга оқизиб юборилган. Табиатнинг қудратини қарангки, бу сув қуриб кетмай, узоқ йиллар мобайнида кўл кўринишига келган.

Айдаркўлми, аждаркўл?

Айдаркўл сўзининг келиб чиқиши борасида турли фаразлар бор. Биринчиси, «Айдар» сўзини «аждар» сўзига боғлашади. Туркий тилларда «аждар» сўзи «айдар», «айдаҳар» шаклларида ҳам учрайди. Туркий қавмларнинг «Алпомиш», «Гўрўғли», «Авазхон», «Кунтуғмиш» ва бошқа достонларида «айдаҳар» сўзини кўп учратамиз.

Иккинчиси, «айқирмоқ», яъни — «бақирмоқ», «қаттиқ овоз чиқармоқ» маъноси. Сирдарё суви бутун бошли сув омборига сиғмай оққан. Сув омборидан тошиб чиқаётган сувни тасаввур қилинг. Унинг «айқириши» табиий. Достонларда «айдаҳардай айқириб» жангга кираётган баҳодирлар тасвирланади. Бу талқинда ҳам қандайдир ҳақиқат бор.

Учинчи фаразни эса нуроталик бир танишимдан эшитганман. Унинг айтишича, Айдаркўлда катта аждар яшар экан. Аждар кўлдан чиқиб атрофга иссиқ нафас пуркаганда, чўлда ҳаво баттар қизиб кетар, қурғоқчилик бўларкан. Ғалати, ақл бовар қилмайдиган ва қизиқарли фараз.

Ҳар не бўлганда ҳам бу кўл Айдаркўл номи билан хариталарга тушган, эндиликда уни шу ном билан танишади. Чўлнинг қоқ ўртасида пайдо бўлган бу кўлнинг майдони, 2005 йилги маълумотларга кўра, 3000 кв. км.га етади. Узунлиги 250 км.га яқин. 2008 йилда Айдар-Арнасой кўллар тизими Рамсар рўйхатига киритилган.

Айдаркўл флора ва фаунаси ниҳоятда хилма-хил. Унда 30 га яқин: чўртанбалиқ, судак, илонбош, қизилкўз каби балиқ турлари учрайди. Шунингдек, Айдаркўлга ўрдак, чағалай, ғоз каби 12 тур қушлар қўниб, қишлайди. Айримлари шу ҳудудда яшайди.

Кўз билан илғаб бўлмайдиган кўлнинг кўм-кўк суви киши кўзини қувнатади. Айдаркўл ҳудудида 42 та балиқчилик фермер хўжалиги ташкил этилган, бундан ташқари, мазкур масканда сўнгги йилларда туризм ҳам жадал суръатда ривожланмоқда.

Фотима ХОЛМЕТОВА

Миннатдорлик

Ширин сўз – жон озиғи

Мамлакатимизда аҳоли саломатлиги йўлида улкан ишлар амалга оширилаётир. Кўплаб сиҳатгоҳлар барпо этилмоқда, борлари реконструкция қилиниб, замонавий жиҳозлар билан таъминланаётир.

Фарғона водийсида жойлашган «Чимён» сиҳатгоҳи шундай масканлардан биридир. Бу ерда 4 та ётоқ бўлими, ошхона, маданият саройи, бой кутубхона, шифобахш сув расталари дам олувчилар хизматида. Табиати мусаффо, шароити зўр. Ходимларнинг муомаласини айтмайсизми! Ширин сўзининг ўзи касалликка даво. Шунинг учун ҳам ушбу сиҳатгоҳда уч йилдан буён кетма-кет ҳордиқ чиқараман.

Фурсатдан фойдаланиб, севимли газетамиз — «Ishonch» орқали сиҳатгоҳ жамоасига миннатдорлигимни билдирмоқчиман. Одамларга шифо улашишдек шарафли ишларида муваффақият, шунингдек, оилавий бахт-саодат ҳамиша ёр бўлишини тилайман.

Аҳад ТЎЛАЕВ, Қамаши тумани

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari: Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 475-23-60; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 91 141-27-70; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: A.Toshev
Navbatchi: U.Ibodinov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti -20.50
Topshirildi - 22.00

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin. Buyurtma Г — 815 | 13934 nusxada bosildi | 1 2 3 4